

Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси Сирдарё вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспекторлари вилоят Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармасида ҳамда унинг туман (шаҳар) бўлимларида ўрганиш ўтказди. Инспекторлар эътиборини 2023 йил август, сентябрь ойларида ходимларга тўланган махсус тўлов ва бирйўла тўланадиган тўловлардан ўртача иш ҳақи ҳисобланган рақамлар тортди. Шу боис бу масала обдон назардан ўтказилди.

## Раҳбар истамаса-да...


### Ходимнинг қўшимча пуллари тўланди

Маълум бўлдики, Сирдарё вилояти Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси томонидан ходимлар ҳисобига 2023 йилнинг август ва сентябрь ойлари учун таътил пулига қўшилаётган айрим қўшимча маблағлар тўланмаган. Шу боис Сирдарё вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқ инспектори Абдурахим Албеков Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси бошлиғи номига ходимларга юқоридаги тўловлар тўланиши юзасидан кўрсатма хати киритди. Аммо раҳбар мазкур хатни ижросиз қолдирди. Қизик, 36 нафар ходим учун тўланадиган қўшимча маблағни тўлашга рухсат бериш учун раҳбарга қандай куч қаршилиқ кўрсатган экан?

Хуллас, раҳбар ҳам, меҳнат инспектори ҳам ўз фикридан қайтмади. Абдурахим Албеков кейинги босқичда ишни ижобий ҳал қилиш ҳаракатини бошлади. 36 нафар ходимнинг 247 708 326 (икки юз қирк етти миллион етти юз саккиз минг уч юз йигирма олти) сўм миқдоридagi пул маблағини ундириш бўйича ФИБ Гулистон туманлараро судига даъво аризасини киритди.

Адолатпарвар суд ишни синчковлик билан кўриб чиқди ва киритилган даъво аризасини қаноатлантирди. Натижада шу йилнинг апрель ойида тегишли пул маблағлари ходимларга тўлаб берилди.

Зебо НАМОЗОВА  
«ISHONCH»



## ҚИММАТГА ТУШГАН АЛДОВ

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгашига Барчиной Аҳмадалиева меҳнатга оид бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ёрдам сўраб мурожаат қилди.

Маълум бўлишича, унга ҳомилдорлик ва туғиш таътилига чиқишда ҳаммаси яхши бўлиши, «декрет» пули тўланиши, кейин яна ўз иш жойига қайтишни айтишиб, кадрлар бўлими томонидан келишув ва ишдан бўшаш тўғрисидаги буйруққа алдов йўли билан имзо қўйдирилди.

Барчиной Аҳмадалиева кейинчалик алданганини билади. Кўмак сўраб турли идораларга мурожаат қилади. Афсуски, ҳеч қандай ёрдам бўлмайди. Оқибатда у охириги илинжи касабаси уюшмаларидан кутади.

Кенгаш томонидан мурожаат ўрганилар экан, Меҳнат кодекси талаблари бузилганлиги аниқланди. Шунга кўра, иш берувчига Барчиной Аҳмадалиевани ишдан бўшатганлиги тўғрисидаги буйруқ ва буйруққа асос бўлган ҳужжатларни тақдим қилиш юзасидан сўров хати юборилди. Аммо бунга иш берувчи ҳеч қандай муносабат билдирмади.

Узоқ олиб борилган музокаралардан сўнг иш судга кўриб чиқилди. Натижада Барчиной Аҳмадалиева «Global textile infinity» МЧЖ КҚга ўз вазифасига тикланиб, унга меҳнатга лаёқатсизлик варақаси учун тўлов, мажбурий бекор юрган кунлари ва маънавий зарар ҳамда иш берувчи томонидан ўз вақтида тўланмаганлиги учун фоиз тўлов пуллари, жами 34 миллион 474 минг сўм ундириб бериш ҳақида суднинг ҳал қилув қарори қабул қилинди.

Авазхон ТўРАХЎЖАЕВ,  
Ўзбекистон касабаси уюшмалари  
Федерацияси Фарғона вилояти  
кенгаши бош юриконсулти

Куннинг муҳим  
хабари

ХОРИЖИЙ  
ҲАМКОРЛАР БИЛАН  
ИНВЕСТИЦИЯВИЙ  
ШЕРИКЛИК  
ДОИРАСИДАГИ  
ИШЛАР ҲОЛАТИ ВА  
КЕЛГУСИ РЕЖАЛАР  
КўРИБ ЧИҚИЛДИ



Президент Шавкат Мирзиёев ҳузурида Туркия Республикаси ва Саудия Арабистони Подшоҳлиги билан иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик бўйича келгуси режалар кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари ҳисобот ва режалар билан танишиб, мутасаддиларга хорижий инвестицияларни тўлиқ ва сифатли ўзлаштириш чораларини кўриш, лойиҳаларнинг амалга оширилиши устидан қатъий назорат ўрнатишни топширди.

Инвесторлар билан доимий мулоқот қилиб, улар учун максимал даражада қулай шароитлар яратиш, лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган масалаларни тизимли ҳал этиб бориш вазифаси қўйилди.

Биласизми?

БАЛИҚЛАР  
НОБУД  
БЎЛМОҚДА

**АЙБ  
КИМДА:  
КОРХОНАДАМИ  
ЁКИ АҲОЛИДА?**



3 >>>

«Қизимнинг  
КИТОБИНИ  
чиқариб  
беринг...»



4 >>>

## АСОСИЙ УЗАЙТИРИЛГАН ТАЪТИЛ КИМЛАРГА БЕРИЛАДИ?

Амалдаги Меҳнат кодексига кўра, қуйидаги ходимларга ёши ва соғлиғининг ҳолати ҳисобга олинган ҳолда, ҳар йилги асосий узайтирилган таътил берилади:

- Ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга - ўттиз календарь кун;
- I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган ходимларга - ўттиз календарь кун;
- Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ходимларига давомийлиги йигирма етти календарь кун.

Ҳар йилги асосий узайтирилган таътиллари бериш ва унинг давомийлиги қонунчилик билан қафо-

латланган. Таътил кунларининг давомийлигига нисбатан кўпайтириш жамоа келишувларида, шунингдек, жамоа шартномасида, ички ҳужжатларда, меҳнат шартномасида назарда тутилиши мумкин.

Ойбек ҲАЗРАТҚУЛОВ,  
Ўзбекистон касабаси  
уюшмалари Федерацияси  
Қашқадарё вилояти кенгаши  
бўлим мудири



## ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ МЕҲНАТ ВА ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАР АКАДЕМИЯСИ 2024/2025 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ ТАЪЛИМНИНГ БАКАЛАВР Йўналиши бўйича АБИТУРИЕНТЛАР ҚАБУЛИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!



Марказий Осиёда ягона бўлган ушбу нодавлат таълим муассасаси меҳнат ва ижтимоий муносабатлар соҳасига олий маълумотли етук кадрларни тайёрлаб беради.

2024/2025 ўқув йили Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар Академиясининг Меҳнат соҳасини бошқариш факультетига:

- \* Меҳнат муҳофазаси ва саноат хавфсизлиги
- \* Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги
- \* Инсон ресурсларини бошқариш
- \* Ижтимоий иш (соҳалар бўйича)
- \* Психология (фаолият турлари бўйича)
- \* Менежмент
- \* Юриспруденция

Йўналишларида таълим олиш учун талабалар қабул қилинади. Академияда ўқиш ўзбек ва рус тилларида, тўлов-контракт асосида олиб борилади. Ўқиш муддати 4 йил.

Қабул учун абитуриентлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

Ректор номига ариза;

Паспорт нусхаси;  
Ўрта махсус маълумот тўғрисидаги диплом ёки 11-синфни битирганлиги тўғрисидаги шаходатноманинг нусхаси;  
Абитуриентнинг 3x4 ҳажмдаги фотосурати.

Ҳужжатлар кундузги бўлимга 2024 йил 1 апрелдан 25 августгача;

сиртқи бўлимга эса 1 апрелдан 1 октябргача Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, «Алишеробод» МФЙ, Миллий боғ кўчаси, 7-уй ёки <https://atso.uz> электрон манзили орқали қабул қилинади.

Қабул жараёнлари тўғрисидаги батафсил маълумотларни (71) 265-01-64, (55) 506-01-50 телефон рақамлари ва <https://atso.uz> веб-сайти орқали олишнингиз мумкин.

Унутманг, Академияга ҳужжат топшириш орқали ўз келажагингиз учун улкан инвестиция киритасиз!

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар Академияси





